



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ РАҚОБОТБАРДОШЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Шохўжаева Зебо Сафроевна

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази докторанти, и.ф.н., доц.
z.shoxujaev@mail.ru

Эшев Алибек Сабирович

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти "Халқаро ҳамкорлик бўлими" бошлиғи, Қарши шаҳри, Ўзбекистон.

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a22

Аннотация

Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда шаклланаётган ҳақли рақобат муҳити фермер ва деҳқон хўжаликларининг ўзаро рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот етиштиришда талаб ва таклиф мувозанатига эришиш, ички ва ташқи бозорда самарали фаолият юритишга кенг имкониятлар яратувчи механизмларни такомиллаштириш долзарб ва ўта муҳим масалалардан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан мақоламизда Қашқадарё вилояти туманларида маҳсулот турлари бўйича рақобатбардошлик даражаси таҳлил қилинди ва ўрганилган муаммолар асосида хулосалар қилиниб, таклифлар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: рақобат, рақобатбардошлик, озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озиқ-овқат хавфсизлиги, самарадорлик, аграр сектор, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлиги

Аннотация

В данной статье рассматривается среда добросовестной конкуренции, которая формируется при производстве сельскохозяйственной продукции, повышение взаимной конкурентоспособности фермерских и крестьянских хозяйств, достижение баланса спроса и предложения в производстве продукции, совершенствование механизмов, создающих широкие возможности для эффективной работы на внутреннем и внешнем рынках считаются актуальными и крайне важными вопросами. С этой точки зрения в нашей статье был проанализирован уровень конкурентоспособности районов Кашкадарьинской области по видам продукции, и на основе изученных проблем сделаны выводы и разработаны предложения.

Ключевые слова: конкуренция, конкурентоспособность, продукты питания, сельскохозяйственная продукция, продовольственная безопасность, эффективность, аграрный сектор, конкурентоспособность сельскохозяйственной продукции

Abstract

This article discusses the environment of fair competition, which is formed in the production of agricultural products, increasing the mutual competitiveness of farms and peasants, achieving a

balance of supply and demand in the production of products, improving mechanisms that create ample opportunities for effective work in the domestic and foreign markets are considered relevant and extremely important. important issues. From this point of view, in our article, the level of competitiveness of the districts of the Kashkadarya region by type of product was analyzed, and based on the problems studied, conclusions were drawn and proposals were developed.

Keywords: competition, competitiveness, food products, agricultural products, food security, efficiency, agricultural sector, competitiveness of agricultural products

Кириш

Янгилаётган Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун уларнинг рақобатбардошлигини оширишга тўсиқ бўлаётган мавжуд муаммолар, номуносибликларни аниқлаш ва уларни ҳал этишнинг мажмуавий чора-тадбирларини чуқур тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Зотан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда шаклланаётган ҳақли рақобат муҳити фермер ва деҳқон хўжалиklarининг ўзаро рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот етиштиришда талаб ва таклиф мувозанатига эришиш, ички ва ташқи бозорда самарали фаолият юритишга кенг имкониятлар яратувчи механизмларни такомиллаштириш ва татбиқ этиш йўллари илмий-амалий жиҳатдан асослаб бериш соҳанинг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Президентимизнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги Фармонида “30-мақсад: Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган [1].

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва диверсификациялаш шароитида қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришнинг ташкилий – иқтисодий мезанизмларини такомиллаштиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига талаб даражасида хизмат кўрсатиш ва уларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондирилишини талаб этади.

Ушбу муаммо қуйидаги бир қатор ҳолатлар билан изоҳланади: *Биринчидан*, юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва аграр тармоқнинг барча соҳаларида инновацион жараёнларни фаоллаштириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш кабиларни қамраб олган инновацион ривожланишнинг аниқ ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш ва тегишли шарт-шароитлар яратилгандагина инновацион сиёсатни муваффақиятли амалга ошириш мумкин дидир.

Шу билан бирга қишлоқ жойларида аҳоли учун қулай иш ва турмуш шарт-шароитларини яратиш муаммоларини ҳал этиш бугунги куннинг энг муҳим долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда моддий–техника таъминот тизими, илмий-техника тараққиёт ва интенсив технологиялар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини оширишда ҳал килувчи омил дидир. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ишлаб чиқариш қуроллари такомиллашуви, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ва жонли меҳнат ҳиссасини камайтириш эвазига улардан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлиги тушунчасининг мазмунини танитиш ва белгилаш бўйича иқтисодий адабиётлар таҳлили кўп жиҳатли талқинлар

мавжудлиги ҳақида далолат бермоқда, ушбу тушунча етарлича мураккаб ва бир маъноли талқин қилинмайди. Рақобатбардошликнинг сўзма-сўз талқини “рақобатга қодир бўлиш”, “рақобатлаша олиш”ликни билдиради ва айнан рақобатбардошликни рақобат тузилмасида қарайдиган бўлсак умуман олганда аграр тармоқлар рақобатбардошлигига ягона умумлаштирувчи таъриф беришнинг мураккаблигини билдиради.

Л.А.Евчукнинг [2] фикрига кўра, “қишлоқ хўжалиги бутунлай рақобатчиликдан иборат тармоқ ҳисобланади, чунки анчагина кўп сонли ишлаб чиқарувчилар борлиги билан характерланади, уларнинг ҳар бири (ёки ҳеч бири) бозор ёки нархларга таъсир кўрсата оладиган етарлича ҳажмдаги таклифларга эга эмаслар”.

Н.Малик ва А.Нужналар [3] “қишлоқ хўжалиги корхоналари рақобатбардошлиги тушунчасини етарлича тўлиқ ва тизимли тарзда очиб беришган. Уларнинг фикрича, бу аграр соҳадаги иқтисодий фаолият юритувчи субъектларнинг хўжалик юритишнинг янги шарт-шароитларига мослаша олиш, ўзларининг рақобат устунликларидан фойдалана олиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хизматлари бозоридаги рақобатчилик курашида ғалаба қозониш, ер ресурсларидан максимал даражада самарали фойдаланиш, бозор тузилмасини таҳлил қилиш ва унинг конъюктураси ўзгаришларига нисбатан мослашувчан тарзда жавоб қайтариш йўли билан харидор эҳтиёжини янаям тўлароқ қондира олиш қобилиятидир”, дея такидлашади.

М.Портер [4] хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатбардошлигига энг кўпроқ умумлаштирувчи таърифи берилган бўлиб, у “рақобат устунлиги” тушунчасига асосланади ва корхонанинг рақобатбардош деб белгиланишини кўзда тутаяди, агарки у бошқаларга нисбатан қиёсий устунликка эга бўлса албатта.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, **рақобатбардошлик** - бозор муносабатлари асосида сотувчи ва харидор ўртасида маҳсулот айланмаси соҳасида хўжалик юритувчи субъектнинг барқарор рақобатбардош устунликларини шакллантириш, сақлаб қолиш ва улардан фойдаланиш имкониятларини амалга ошириш даражасининг намоён бўлиш шаклидир.

Тадқиқот методологияси

Таҳлил жараёнида таққослама таҳлил, тизимли таҳлил усуллари билан фойдаланилган. Шунингдек, монографик тадқиқотлар статистик гуруҳлаш орқали фермер хўжаликларининг ҳолати баҳоланган ва абстракт-мантиқий фикрлаш орқали тегишли хулосалар келтирилган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига бу борада амалга оширилган ишларнинг узвий давоми бўлиб, кейинги беш йил мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириб, соҳани янги босқичга олиб чиқишга замин яратади [5].

Кейинги йилларда ҳосилдорлиги паст бўлган 300 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари ўрнига мева-сабзавот ва озуқа экинларини етиштириш йўлга қўйилиб, жумладан, 32 минг гектар ерда интенсив боғлар, 15 минг гектарда тоқзорлар, 2 минг гектарда замонавий иссиқхоналар барпо этилгани, 114 минг гектарда сабзавот ва картошка, 72 минг гектарда дуккакли ва мойли экинлар, 52 минг гектарда озуқа экинлари етиштирилаётганини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини, фан ва техниканинг илғор ютуқларини жадал жорий этиш, экологик тоза ва экспортбоп

маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонлар даромадини кўпайтириш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан жами 217 триллион 700 миллиард сўм фойда олинди. Ерни ҳақиқий эгасига бериш, айниқса, маҳсулот етиштиришдан тортиб, уни сотишгача бўлган агробизнеснинг яхлит занжирини ўз ичига қамраб олган кластер моделини ва кооперация тизимини тўлиқ яратишга жиддий эътибор берилмоқда.

Айниқса кейинги йилларда пахта ҳосилининг 73 фоизи пахта-тўқимачилик кластерлари ҳиссасига тўғри келгани, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Андижон, Хоразм, Наманган, Тошкент, Бухоро вилоятларида эришилган юксак марралар бу тизимнинг қанчалик самарали эканини амалда исботламоқда.

Шунингдек, Ёзёвон, Қўштепа, Риштон, Тошлоқ, Жалақудуқ, Қўрғонтепа, Пахтабод, Амударё, Беруний, Элликқалъа, Хива, Хонқа, Янгибозор, Мингбулоқ, Поп, Чуст, Қуйичирчиқ, Чиноз, Оққўрғон, Қоракўл, Олот, Вобкент, Дўстлик, Нарпай каби ўнлаб туманларда ушбу тизим асосида пахтадан мўл ҳосил етиштирилди [6].

Буларнинг барчасини ҳисобга олиб, кейинги йиллардан бошлаб пахта етиштиришни тўлиқ – 100 фоиз кластер усулига ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва пиллачилик кластерларини ташкил қилиш ишларини ҳам изчил давом эттириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Сўнгги йилларда мева-сабзавотчиликда амалга оширилаётган ислохотлар ҳам ўз натижасини бермоқда. 2019 йил 1,3 миллиард АҚШ доллари қийматидаги 1,5 миллион тонна мева-сабзавот экспорт қилиниб, тармоқ ривожига салмоқли ўрин тутди.

Деҳқон ва фермерларимизни йиллар давомида ўйлантириб келаётган масала – бу етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини нобуд ва исроф бўлишига йўл қўймасдан, сифатли қайта ишлаб, ички ва ташқи бозорларга етказиб бериш билан боғлиқ. 2019 йилда бу масалага алоҳида эътибор қаратилди ва 1 триллион 37 миллиард сўм инвестиция маблағлари жалб этилди. Бунинг ҳисобига 254 минг тонна қувватга эга бўлган 180 та мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва логистика марказлари барпо этилди. Бу орқали 54 мингта қўшимча иш ўринлари яратилди.

Мамлакат аграр секторининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан инновацион фаолиятнинг самарадорлиги билан боғлиқ. Инновацияларни ўзлаштириш натижасида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш базаси технологик, техник ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан янгиланиб боради. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонни жаҳон бозорига интеграциясини кўчайтиради.

Қишлоқ хўжалигининг мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асосий тармоқлардан бири эканлигини инobatга оладиган бўлсак, ушбу йўналишда эришилган ижобий натижаларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, барча асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари бўйича аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш кўрсаткичлари миқдор жиҳатидан ўсган. Масалан, сабзавотлар 147,2 кгга, сут етиштириш 86,6 кгга ва тухум 69 донага кўпайган.

Шу билан бир қаторда миллий озиқ-овқат таъминотини таъминловчи комплекс чоралар ишлаб чиқиш республика озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотидаги мураккаблик ва озиқ-овқат маҳсулотларининг хориждан харид қилишга боғлиқ бўлиб қолиш мумкинлиги каби муаммоларга ечимлар топиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Уларга эришиш учун муҳим йўналишлар қуйидагича ифодаланади:

– мамлакат ва ҳудудий озиқ-овқат маҳсулотлари фондани озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом-ашёнинг асосий турлари билан тўлиқ ҳажмда шакллантириш ҳамда агросаноат мажмуини экспортга йўналтириш учун ишлаб чиқаришни етарли даражада барқарор ривожланишини рағбатлантириш;

– озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (пахта-тола) экспорти ҳисобига етишмаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашё импорти учун зарур валюта ресурслари захирасини яратиш ва унинг таркибларини такомиллаштириш;

– озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш даражасини барқарор ошириш, импорт ҳажмини қисқартириш ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришни таъминловчи ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар қабул қилиш.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни шакллантиришда деҳқон хўжалиklarининг алоҳида ўрни ва нуфузи бор. Айниқса, биз таҳлил қилаётган Қашқадарё вилоятининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжалиги асосий ишлаб чиқарувчиси сифатида намоён бўлади. Фермер хўжалиklари билан солиштирилганда, деҳқон хўжалиklари асосий қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларидир. Қашқадарё вилоятида хўжалиklar томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари динамикаси қуйидаги 1-жадвалда таҳлил қилинган [7].

1-жадвал

Қашқадарё вилояти хўжалиklarида 2010–2020 йилларда ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари динамикаси

т/р	Маҳсулот номи	Ўлч. бирлиги	Йиллар						2020 йилда 2010 йилга нисбатан фарқи, %
			2010	2014	2016	2018	2019	2020	
1.	Дон	минг т	859,1	1030,0	1073,7	800,7	938,4	885,7	103,1
2.	Картошка	минг т	112,0	150,1	195,3	172,6	173,6	176,7	157,8
3.	Сабзавот	минг т	362,8	467,3	564,2	495,9	494,8	495,5	136,6
4.	Мева	минг т	80,6	110,7	143,4	180,3	170,9	163,2	202,5
5.	Узум	минг т	63,5	88,9	109,4	96,9	97,0	93,8	147,7
6.	Полиз	минг т	100,3	160,6	150,6	149,8	163,1	168,2	167,7
7.	Гўшт	минг т	192,3	233,5	266,3	289,2	293,7	297,3	154,6
8.	Сут	минг т	720,6	888,3	1023,1	1131,2	1149,0	1177,7	163,4
9.	Тухум	млн дона	220,0	318,5	457,9	218,0	218,6	216,1	98,2
10.	Жун	тонна	5691	7431	7457	58608 5	50596 4	528625	92,9 мартага ошган
11.	Қоракўл тери	дона	1712	19338 6	19606 7	7462	7519	7602	444,0


Вилоят хўжалиklари томонидан 2020 йилда 885,7 минг тонна дон, 176,7 минг тонна картошка, 495,5 минг тонна сабзавот, 163,2 минг тонна мева, 93,8 минг тонна узум, 168,2 минг тонна полиз, 297,3 минг тонна гўшт, 1177,7 минг тонна сут, 216,1 млн. дона тухум, 528625 тонна жун, 7602 дона қоракўл тери етиштириб берилган. Бу эса 2010 йилга нисбатан дон 103,1 %га, картошка етиштириш 157,8 %га, сабзавот 136,6 %га, мева 202,5 %га, узум 147,7 %га, полиз 167,7 %га, гўшт 154,6 %га, сут 163,4 %га, қоракўл тери етиштириш 444 %га, жун етиштириш эса 92,9 мартага ошганлигини жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриш мумкин. Бироқ хўжалиklar томонидан етиштирилган тухум 1,8 %га камайган. Вилоятда паррандачиликни ривожлантириш

учун имкониятлар катта, бироқ уларга кўрсатилаётган ветеринария хизматларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

2020 йилда ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 9374,3 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 106,0 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 39,5 % ни ташкил қилди.

2020 йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 885,7 минг т. дон (2019 йилга нисбатан 5,6 % га кам) ишлаб чиқарилди. Дон ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, дон ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 10,7 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари ҳиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда.

2020 йилнинг якунига кўра ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги фермер хўжаликларининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Нишон туманида (39,4 %), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг юқори улуши Шаҳрисабз шаҳрида (96,4 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Қарши шаҳрида (18,0 %) тўғри келганлиги қайд этилди.




1-расм. 2020 йилда Қашқадарё вилоят туманлари кесимида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши, %

Фермер хўжалиklarининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Шаҳрисабз шаҳрида (0,3 %), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиklarининг энг кам улуши Нишон туманида (51,9 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Косон туманида (0,9 %) қайд этилди (1-расм).

Экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида 2020 йилда давлат бюджетидан 1328 млрд. сўм ёки 2019 йилга нисбатан 1,8 марта, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун эса 645 млрд. сўм ёки 1,2 баробар кўп маблағ ажратилди. Бундан ташқари, йил охиригача халқаро молия институтларининг 126,8 млн. доллар ёки 2019 йилга нисбатан қарийб 3 баробардан зиёд кредитлари ўзлаштирилди [7].

Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига кўтариш вазифаси ва жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ошиб бораётгани аграр соҳани тубдан ислоҳ қилишни, унга бозор механизмлари, айниқса, инновацион ва тежамкор технологияларни, инвестицияларни кенг жалб қилишни тақозо этмоқда.

Қашқадарё вилоятида 2018-2021 йилларда аҳоли жон бошига етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларининг ўсиш динамикаси қуйидаги 2-расмда ўз аксини топган. Бунда энг юқори кўрсаткич дон ва сут маҳсулотларининг ўсиш кўрсаткичига тўғри келмоқда [7].



2-расм. Қашқадарё вилоятида озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши динамикаси (кг)

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги етакчи рол ўйнайди. Улар асосий фаолияти маҳсулот ишлаб чиқариш бўлган мустақил тадбиркорлик субъектлари сифатида етакчи ўринни эгаллайди. Кенг қамровли тадқиқотлар ўтказиш орқали биз Қашқадарё вилояти Нишон, Касби ва Миришкор туманлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари фаолиятини ўргандик ва таҳлил қилдик.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, вилоятнинг танлаб олинган учта туманларидаги пахта хом ашёси етиштирувчи фермер хўжаликларида рентабеллик даражаси энг юқори бўлган хўжалик бу Касби тумани Нусратов Жаҳонгир Хайдарович фермер хўжалиги ҳисобланди.

Монографик ўрганилган Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларида маҳсулотлар етиштириш иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили [8]

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Касби тумани “Нусратов Жаҳонгир Хайдарович” фермер хўжалиги			Миришкор тумани “Намозов Аббос Шокиро-вич” фермер хўжалиги			Нишон тумани “Нодирбек серқуёш замини” фермер хўжалиги		
			2018 й	2019 й	2020 й	2018 й	2019 й	2020 й	2018 й	2019 й	2020 й
			Пахта экини			Буғдой экини			Сабзавот ва полиз экини		
1	Маҳсулотлар майдони	га	27	20	32	50	50	50	2	3	1
2	Маҳсулотлар ҳосилдорлиги	ц/га	29,6	40,0	39,1	40,0	41,0	42,0	1200	1700	550
3	Ялпи ҳосил	тонна	80	80	125	200	205	210	125	160	55
4	Маҳсулотларни сотишдан келган даромад	млн. сўм	149184	180000	361337,5	430,0	435,0	408,0	660,0	1260,0	130,0
5	1гектар ердан олинган даромад	млн. сўм	5525,3	9000	11291,7	8,6	8,7	8,16	330,0	420,0	130,0
6	Маҳсулотига қилинган харажатлар	млн. сўм	116320	148000	283587,5	225,0	225,0	220,0	160,0	300,0	35,0
7	1 гектар ерга қилинган харажатлар	млн. сўм	4308,15	7400	8862,1	4,5	4,5	4,4	80,0	100,0	35,0
8	Жами олинган фойда ёки зарар	млн. сўм	32864	32000	77750	205,0	210,0	188,0	500,0	960,0	95,0
9	1гектар ердан олинган: фойда (+); зарар (-)	млн. сўм	1217,15	1600	2429,6	4,1	4,2	3,76	250,0	320,0	95,0
10	Рентабеллик даражаси	%	28,3	21,6	27,4	91,1	93,3	85,5	312,5	320	271,4

Демак, Касби тумани фермер хўжаликлари бошқа тумандаги фермер хўжаликлари билан пахта хом ашёсини етиштириш бўйича рақобатлаша оладиган туман бўлиб ҳисобланади (2-жадвал).

2-жадвал таҳлилидан кўринадики, ўрганилаётган учта туманда буғдой етиштириш самарадорлик кўрсаткичи энг юқори бўлган туман бу Миришкор тумани “Намозов Аббос Шокирович” фермер хўжалиги аниқланди. Яъни рентабеллик кўрсаткич охириги уч йилда 91,1; 93,3; 85,5 га тенг бўлди. Демак, вилоят туманлари бўйича буғдой етиштиришда Миришкор тумани бошқа туманлар билан рақобатбардошлик даражаси юқори эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, ўрганилаётган учта фермер хўжалигида сабзавот ва полиз етиштиришнинг самарадорлик кўрсаткичи энг юқори бўлгани Нишон тумани “Нодирбек серқуёш замини” фермер хўжалиги бўлиб ҳисобланади.

Демак, монографик тадқиқотларни кўрсатишича учта фермер хўжалиги жойлашган ўрни, рельефи ва ўзига хос жиҳатларига кўра пахта, буғдой ва сабзавот ва полиз маҳсулотларига ихтисослашганини кўриш мумкин. Шунингдек, бу фермер хўжаликлари бошқа тумандаги фермер хўжаликлари билан рақобатлаша оладиган маҳсулотлари билан юқори самарадорликка эга бўлиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлиги одатда иқтисодий кўрсаткичлар тизими орқали ифодаланади. Лекин шу билан биргаликда, мазкур кўрсаткичлар тизимида қатор кўрсаткичларнинг эскириб бориши ва янгиларининг кириб келиши иқтисодий ислохотлар жараёнида иқтисодий тизим ўзгариши боисдан юз беради.

Аграр соҳада ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини атрофлича баҳолаш учун алоҳида ҳисобланадиган кўрсаткичлар билан биргаликда, ҳар бир ишлаб чиқаришга жалб қилинган ресурсларнинг умумий самарани яратишдаги ўрни ва уларнинг ишлаб чиқариш пировард натижасига таъсирини ҳисобга оладиган умумий кўрсаткич билан баҳолаш лозим. Ушбу умумлаштирувчи кўрсаткичнинг суръатида мажмуа тармоқ ва корхоналарида яратилган жами пировард маҳсулот қиймати, махражида эса барча ресурсларнинг ўтказилган қиймати бўлиши лозим.

Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги қишлоқ хўжалиги корхоналари доирасида ер ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги орқали, шунингдек қишлоқ хўжалигига яроқли ердан фойдаланишнинг самарадорлиги сифатида ҳам характерлайдиган кўрсаткичлар тизими билан ифодаланиши мумкин.


Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳолаш учун тадқиқотчилар томонидан қўлланилган кўпгина усуллар орқали аниқлаш имкони мавжудлиги аниқланди. Мисол учун, Бостон консультатив гуруҳ модели; М.Портер модели; “Мак-Кинзи” методи; Shell-DPM модели; LOTS усули; PIMS усули; вазиятли таҳлил (SWOT-таҳлил); эксперт баҳолаш усули; Хофер-Шендел модели; молия-иқтисодий усул; стратегик гуруҳларни хариталаштириш усули ва ҳ.о.

Усулларнинг кўп сонлилиги шу нарсани тасдиқлашга асос бермоқдаки, уларни маълум бир тартибга келтирмасдан туриб уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини ажратиб олиш ва самарали фойдаланишнинг имкони бўлмайд.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳолашнинг услубий асосларини тадқиқ этиш натижаларига кўра ва қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилишининг таъминланиши зарурлигига таянган ҳолда рақобатбардошликни баҳолаш усулларини қуйидаги белгилари асосида тақсимланишини таклиф этамиз:

а) бошқарув қарорларининг даражаси;

- б) аналитик имкониятлар;
- в) назарий асослар;
- г) баҳолаш услуби;
- д) натижани тақдим этиш услуби (3-расм).



3 -расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти рақобатбардошлигини баҳолашга таъсир этувчи омиллар¹

Қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари самарадорликни баҳолаш учун мезон базасини шакллантиришнинг қийинлиги қуйидагилардан иборат:

- давлат бошқаруви қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга тегишли. Бу ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин, кутилган ёки ҳақиқий, олдинги ёки умумий, тўғридан-тўғри ёки билвосита;

- аграр сиёсат таъсирининг натижаларини ҳар доим ҳам соф шаклида ажратиб бўлмайди, улар турли хил сиёсий йўналишларнинг биргаликдаги ҳаракатлари ва ўзаро таъсирининг (синергетик таъсири) натижаси бўлиши мумкин, шунинг учун самарадорликни баҳолашда уларнинг ўзаро таъсирини, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш объектларига комплекс таъсирини ҳисобга олиш зарур бўлади.

- иқтисодийнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш тизими жуда мураккаб тизимдир (уларни шартли равишда тармоқлар, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, қайта ишлаш соҳаси, савдо-сотиқ, ижтимоий ва экологик соҳалар, ахборот ва консалтинг фаолияти бўйича таснифлаш мумкин);

- бозор муносабатлари субъектлари (ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, экспорт ва импорт қилувчилар) кўпвекторли манфаатларга эга;

- субъект-объект муносабатларининг барча таркибий қисмларида самарадорликнинг намойиш этилиши: бунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий самарадорлиги, макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимида иқтисодиётнинг аграр секторининг иқтисодий самарадорлиги;

- тармоқлараро муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий мувозанати ва адолатлилиги, такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва қишлоқ жойларида инсон капиталининг доимий яхшиланиши;

- бозорни ўзини-ўзи бошқариш самарадорлик моделини таъминлашга қаратилган ажралмас ташкилий – иқтисодий механизм сифатида қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашнинг мақбул ишлаши.

Ушбу муаммони ҳал қилиш учун таклиф қилинган барча усуллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ички ва жаҳон нархларини таққослашга асосланган бўлиб, бунда жаҳон нархлари мувозанатга энг яқин бўлганлиги ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларининг потенциал харажатларини акс эттирганлиги билан боғлиқ. Демак, нархларнинг бузилиши, яъни давлат сиёсати туфайли ички нархларнинг мувозанатдан четга чиқиши, қишлоқ хўжалигида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлаш даражасини миқдорий баҳолаш орқали юзага келади [9].

Рақобат муҳити рақобатбардош муносабатларнинг асосий тоифаларидан бири бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг фаолиятини ҳамда уларнинг рақобат жараёнида ўзаро муносабатларини белгилайдиган бозор омиллари мажмуи сифатида тушунилади. Шу билан бирга, рақобат муҳити иқтисодий ҳаётнинг динамик элементи бўлиб, индивидуал бозорларнинг тезлиги, чуқурлиги ва ўзгариши миқёсига боғлиқдир. Рақобат муҳити рақобатнинг турлари, шакллари ва усуллари, бозорнинг тузилиши ва хусусиятлари, шунингдек, уни давлат томонидан тартибга солиниши хусусияти билан шаклланади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қиладиган бўлсак, қишлоқ хўжалигининг иқтисодий фаолияти натижаларига омилларнинг таъсирини баҳолаш учун ички ва ташқи муҳит омилларининг таъсирини аниқлаш ва ҳисобга олиш зарур. Даромад кўрсаткичи бозор шароитларига жуда сезгир бўлиб, сотиш нархлари, таннарх, нархи ва сотилган маҳсулотларнинг миқдорига боғлиқ. Бизнинг фикримизча, ички ва ташқи омиллар таъсири деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришда рентабеллик даражасини янада тўлиқ акс эттиради. Биз 2017-2020 йилларда деҳқончилик маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликларининг рентабеллик даражасини таҳлил қилдик. Қашқадарё вилоятининг Касби, Миришкор ва Нишон туманларидаги фермер хўжаликлари фаолияти ўрганилди ва айнан пахта хом-ашёсини етиштириш бўйича рақобатбардошлик кўрсаткичи Касби туманидаги Нусратов Жаҳонгир Хайдарович фермер хўжалигида юқори эканлигини таҳлил қилинган маълумотлар орқали асосланди.

Юқорида келтирилган ва таҳлил қилинган маълумотларни жамлаган ҳолда қуйидаги таклифларни бермоқчимиз:

1. Вилоятда, ҳудудий озиқ-овқат бозори субъектлари ассоциациясини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Унинг мақсади аҳолини ўз вақтида озиқ-овқат товарлари билан таъминлаш, товарларни сақлаш ва сотишнинг илғор усулларини жорий қилиш, бозорларни чуқур ўрганиш, товарларни сертификатлаш, рекламани ташкил қилиш ва бошқалардан иборат бўлиши керак.

2. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таркибий ўзгаришларни амалга

ошириш мақсадида фермер хўжалиklarини нафақат пахта ва ғалла етиштиришга балки мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш мақсадга мувофиқдир. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида ҳам пахта майдонларини қисқартириш ва унинг ўрнига мева-сабзавот маҳсулотлари майдонларини кенгайтириш масаласи қўйилганки, демак истиқболда ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжалиklarининг сонини янада ошириш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоғи лозим.

3. Фермер хўжалиklarида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни нафақат вилоят миқёсида, балки ташқи савдога ҳам етказиб бериш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ва хорижий давлатларда юқори даражадаги инфратузилмага эга бўлган савдо уйлари ишини йўлга қўйиш ва у орқали фермер хўжалиklarининг экспорт-импорт фаолиятини замон талаblари асосида амалга ошириш чора-тадбирларини йўлга қўйиш лозим. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш борасида фермер хўжалиklари учун қулай имкониятлар яратиб берувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қайтадан кўриб чиқиш лозимдир.

4. 2015-2020 йиллардаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини доминант омилга қараб гуруҳлаши шуни кўрсатдики, деҳқончилик маҳсулотларининг рентабеллиги ва фойда ўсишининг улуши таннарх ва сотиш нархининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ. Деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан тушадиган даромадларнинг ўсишига энг кўп моддий харажатларнинг ўсиш динамикаси таъсир қилади. Ихтисослашувнинг ўзгариши ва бир ишчига тўғри келадиган экин майдонларининг улуши бироз камроқ таъсир қилади.

Фойдаланилган дабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ПФ-60-сон Фармонида 1-илова.

2. Евчук Л.А. Теоретические аспекты развития конкурентоспособности предприятий в агропромышленном производстве / Л. А. Евчук // Экономика АПК. – 2005. – № 8. – С. 120–125.

3. Малик М.И. Конкурентоспособность аграрных предприятий: методология и механизмы: [монография.] / М.И. Малик, Е.А. Нужно. – К.: Институт аграрной экономики, 2007. – 270 с.

4. Портер М. Международная конкуренция: конкурентные преимущества стран. М.: /пер. с англ. –Международные отношения, 1993, с.224.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-260-сонли ыарори.

6. Шохўжаева З.С. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аграр соҳани ривожлантириш истиқболлари. Т.: “VORIS-NASHIRIYOT”, 2020 й. Монография-117 б.

7. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

8. Қашқадарё вилояти Касби тумани “Нусратов Жахонгир Хайдарович” фермер хўжалиги, Миришкор тумани “Намозов Аббос Шокирович” фермер хўжалиги, Нишон тумани “Нодирбек серқуёш замини” фермер хўжалиklarининг статистик маълумотлари.

Эшев А.С. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва унинг стратегик ёндашувлари.// Agroiqtisodiyot журнали. 2019 й. Махсус сон, 80-б.